
Данғара тумани ҳокими 1-сектор ҳудудидаги “маҳалла еттилиги” билан очиқ мулоқот ўтказди.

Данғара тумани ҳокими 1-сектор ҳудудидаги “маҳалла еттилиги” билан очиқ мулоқот ўтказди. Учрашув бошида туман ҳокими маҳаллалар еттилиги фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва бу борадаги вазифаларга тўхталиб ўтди. Ишсиз ёшларга ер ажратиб бериш ва шу орқали оилавий даромадларини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Очиқ мулоқот давомида “Сайхунобод тажрибаси” асосида аҳоли томорқаларида олиб борилаётган ишлар, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиб ўтилди.

Очиқ мулоқот якунида иштирокчилар томонидан билдирилган саволлар, таклиф-мулоҳазаларга муносабат билдирилди.

2024-05-13 19:34:58